

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАСИНИНГ ИЛМ- ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИДА АКС ЭТИШИ.

Толибова Мохигул Холмурод қизи

Шаҳрисабз педагогика институти

Тарих кафедраси Тарих йўналиши I курс магистранти.

Телефон: 88-199-95-12. Моҳигулбакирова@gmail.com.

Аннотатсия: Мақолада “гендер тенглик” тушунчасининг мазмун - моҳияти очиб берилган бўлиб, Ўзбекистонда гендер тенгликка эришишнинг ҳуқуқий асослари яратилиши ҳамда илм-фан, таълим соҳасида хотин-қизларнинг ролини ошириш борасида қилинаётган амалий ишлар хусусида фикр мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: “Гендер” атамаси, “Гендер тарихи”, “Ўзбекистоннинг маърифатпарвар аёллари”, “Халқ ўқитувчиси”, “Халқ шоири”, “Халқ артисти” унвонлари.

Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабат ўз тарихий илдизларига эга. Аجدодларимиз доимо аёлларни қадрлашга, уларга нисбатан ҳурмат ва иззатда бўлишга даъват этишган. Маърифатпарвар боболаримиз “Аёл юксалса – юксалур башарият”, деб бежиз айтишмаган. Бу кўҳна тарих Тўмарис, Сароймулкхоним, Нодирабегим, Гулбаданбегим, Увайсий, Дилшод отин, Анбар отин, Зулфия сингари юзлаб мўътабар аёлларимизнинг миллат шаъни, ор-номусини сақлаш йўлидаги жасоратларига гувоҳдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Аёли эъзозланган юрт – қудратли бўлади”.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, кадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, ўқувчилар дунёқарашида миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, таълим тизимини қайта қуриш, ҳар томонлама етук, замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлаш бош вазифа қилиб қўйилди.

Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб Ўзбекистонда таълимнинг юқори босқичлари, шу жумладан, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларида гендер баланси муаммолари мавжуд эди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан бу тенденцияни бартараф этиш ва барча жабҳаларда аёллар мавқеини кўтариш борасида сезиларли саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Таълим-тарбия жараёнида ўғил ва қиз болаларнинг жамият ва оиладаги мавқеларини англатиш, уларни оила ва жамият ҳаётига тўғри тайёрлашга долзарб масалалардан бири сифатида қаралди.

Шу маънода, Ўзбекистон ҳукумати 1995 йил 4-15 сентябрда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган хотин-қизлар аҳволи бўйича тўртинчи умумжаҳон анжуманининг якуний ҳужжатларида қабул қилинган қарорларга тўла қўшилди¹.

Чунончи, мазкур қарорнинг 27-бандида: «Хотин-қизларга базавий таълим, узлуксиз таълим, хат-саводга ўргатиш, касб-ҳунарга тайёрлаш ва бирламчи – тиббий инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш орқали тўхтовсиз иқтисодий ўсишни рағбатлантириш» ғоялари баён этилган.

30-бандида: «Хотин-қизлар ва эркаклар учун таълим ва тиббий ёрдам олишга кенг имкониятлар яратиш ва ушбу соҳаларда уларга тенг муносабатни таъминлаш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини яхшилашга, шунингдек, уларнинг маълумот даражасини яхшилашга эришиш»² ҳақида фикр юритилган.

Ўзбекистоннинг баъзи олий таълим муассасаларида 2001 йилдан бошлаб, ташаббускор ўқитувчилар томонидан махсус курслар шаклида гендер тадқиқотларининг у ёки бу жиҳатларини ёритувчи маърузалар ўқилди. Бу

¹ Ўзбекистон – Пекин Платформаси ва ҳаракат Дастури (ППХД), БМТнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида» Конвенцияси (CEDAW), Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш (MDGs) асосида гендер тенглигига эришиш йўлида. Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази. Тошкент.1995.

² Ўзбекистон – Пекин Платформаси ва ҳаракат Дастури (ППХД), БМТнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида» Конвенцияси (CEDAW), Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш (MDGs) асосида гендер тенглигига эришиш йўлида. Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази. Тошкент.1995.

борадаги тажрибалар талабаларнинг гендер тадқиқотларига қизиқиши кучли эканлигини кўрсатади³.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида"ги СҚ-297-IV-сонли қарори тасдиқланди.

Қарорга мувофиқ таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарурлиги белгиланди:

- узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, хотин-қизлар ва эркакларни бутун умр давомида ўқишга бўлган имкониятларини рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олинишини кенгайтириш;

- хотин-қизларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган дастурий ишланмаларини, инновацион ғояларини, ихтирочилик, рационализаторлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

- замонавий педагогик технологиялар ва услубларни ҳисобга олган ҳолда мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига гендер мавзусини жорий этиш орқали фуқароларнинг гендерга оид саводхонлигини юксалтириш;

- эҳтиёжи юқори бўлган соҳаларда маҳаллий ва хорижий таълим муассасаларига ўқишга ва малака оширишга хотин-қизларни жалб қилиш;

- мавжуд ва келажакда яратиладиган мактаб дарсликлари, ўқув-услубий материаллар ва бошқа нашрларнинг жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик

³ Курбонова Г.М. Гендер тенглик ва фарқлар асосида таълим бериш имкониятлари. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2015, 12.60-6

принципига мувофиқ гендер экспертизадан ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож, нотинч оилалардан бўлган хотинқизларни таълим олишига қўмаклашиш ва уларни касбга йўналтириш;

- мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда эркалар улуши кам бўлган бошқа соҳаларга аёллар билан тенг равишда эркаларни жалб қилишга доир фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

- хотин-қизлар ва эркаларнинг оилани режалаштириш борасидаги тиббий маданиятини ошириш, зарур ахборот ва хизматларга эркин ҳамда тенг равишда эга бўлишини таъминлаш, оилани режалаштиришда уларнинг шахсий ҳаётига учинчи шахсларнинг аралашшишига йўл қўймасликни қўллаб-қувватлаш;

- ижтимоий аҳамиятли ва юқумли касалликларга дучор бўлган беморларни қўллаб-қувватлаш;

- таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида хотинқизлар ва эркалар ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилиш, бу борада илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

- хотин-қизлар ва эркаларнинг тиббий маданиятини ошириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларни олдини олиш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш⁴.

Янги Ўзбекистонда кечаётган кенг қўламли ва жадал ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, интилиш ва

⁴ e-qaror.gov.uz 21.04.2022

ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш бўйича давлат сиёсати янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила инсти тутини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325- сонли Фармони, 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйи ча қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2-сонли қарорини қа бул қилинганлиги бунинг ёрқин ифодасидир.

Ҳозирда мамлакатимизда аёллар жамиятнинг барча соҳаларида ўз иқти дор ва имкониятларини намоён қилмоқдалар. Ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, тиббиёт, илм-фан, маданият ва спорт соҳалари ривожига ҳам аёлларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Замонавий маърифатпарвар аёл деганда, миллий анъаналаримизга содиқ равишда тараққиётга интилаётган, ташаббускор ва ташкилотчи, аёллик мақомини тадқиқотчилик, етакчилик, устозлик фаолияти билан уйғунлаштирган бугунги кун қаҳрамонлари кўз олдимизга келади. Ватанимизнинг энг олий мукофоти – “Ўзбекистон Қаҳрамони”, шунингдек “Халқ ўқитувчиси”, “Халқ шоири”, “Халқ артисти” унвонларига сазовор бўлганлар орасида аёллар кўпчиликини ташкил этади. Академик, профессор, фан доктори мақомига эга хотин-қизларимиз Ўзбекистон илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 26 февраль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган “Хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат органларининг масъулиятини ошириш”га қаратилган видеоселектор йиғилишининг 11-сонли баёни 39-бандида Фанлар Академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази,

Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб миллий давлатчилигимиз тарихида ва халқимиз орасида маърифат тарқатишда муносиб из қолдирган ҳамда бугунги кун қаҳрамонлари ҳақида маълумотлар жамланган “Ўзбекистоннинг маърифатпарвар аёллари” номли китоб-альбомни нашр этиш вазифаси белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ривожланган жамиятларда маданиятчилик даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат ва улар учун яратилган имкониятларга қараб белгиланади. Бу ўз навбатида миллий анъаналарга ва шу билан бирга умумбашарий қадриятларга асосланган бўлмоғи даркор. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини аввало шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди. Зеро, аёлларнинг билимли бўлиши ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда, Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Фарзандларнинг келажакда қандай шахс бўлиб етишишлари уларга оналарнинг қандай таълим-тарбия бера олганликларига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев. Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.Т.,”Ўзбекистон”.2017.23 бет
2. Мирзиёев. Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Т.,”Ўзбекистон”.2022.416 бет
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12 сон, 295-модда.
4. Ўзбекистон – Пекин Платформаси ва ҳаракат Дастури (ППХД), БМТнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида» Конвенсияси (ЕДАW), Минг йиллик ривожланиш

мақсадларига эришиш (МДГс) асосида гендер тенглигига эришиш йўлида. Фуқаролик ташаббусларини қўллабқувватлаш маркази. Тошкент.

5. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта уствор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент. 2017 йил, 7-феврал.

6. Каримов И.А.нинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3434-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 й., 21-сон, 251-модда; 2014 й., 29-сон, 356-модда.

7. Хоф. Р. Возникновение и развитие гендерных исследований. / Пол, тендер, культура. // Под ред. Шоре. Э. и Хайдер. К. – М., 1999. –С. 23-53.

8. Бок Г. История, история женщин, история полов. / ТХеСИС: Женщина, семья. 1994, №6. -. 170-200.

9. Доклад по селям развития тысячелетия. Узбекистан 2006. Представительство ООН в Узбекистане. Ташкент.